

ЎҚИТУВЧИНинг КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТИДА СЎЗ БИЛАН ОҒЗАКИ ТАЪСИР ЎТКАЗИШ

Халиков Аъзам Абдусаломович

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7454737>

Аннотация. Ўқитувчининг касбий маҳоратини намоён этувчи муҳим воситалардан бири унинг ўқувчилар билан мuloқот қилиши қобилиятидир. Айниқса, коммуникатив қобилиятида мужассамлашган сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш, жонли мuloқотга кириша олиши унинг таълим-тарбиявий фаолиятида муваффақиятларга эришишига замин яратади. Ушбу мақолада педагогик тажрибаларга асосланган ҳолда ўқитувчининг сўз билан оғзаки таъсир ўтказишига оид фикр-мuloҳазалар билдирилган.

Калим сўзлар: Педагогик такт; коммуникатив хусусият; жонли мuloқот; касбий фаолият; педагогик қобилият; функционал восита; интонация; экспрессив ҳолат; дилкашилик; хушумомалалик.

ВЕРБАЛЬНОЕ ВОЗДЕЙСТВИЕ СЛОВОМ НА КОММУНИКАТИВНУЮ СПОСОБНОСТЬ УЧИТЕЛЯ

Аннотация. Одним из важных средств демонстрации профессионального мастерства педагога является его умение общаться со студентами. В частности, способность к словесному воздействию словом, воплощенная в его коммуникативной способности, и умение вступать в живое общение создает основу для его успеха в учебно-воспитательной деятельности. В данной статье на основе педагогического опыта представлены мнения о словесном воздействии учителя словом.

Ключевые слова: педагогический такт; коммуникативная функция; живое общение; профессиональная деятельность; педагогические способности; функциональный инструмент; интонация; выразительное состояние; сердечность; вежливость.

VERBAL IMPACT OF THE WORD ON THE COMMUNICATION ABILITY OF THE TEACHER

Abstract. One of the important means of demonstrating the professional skills of a teacher is his ability to communicate with students. In particular, the ability to verbally influence the word, embodied in his communicative ability, and the ability to enter into live communication creates the basis for his success in educational activities. In this article, on the basis of pedagogical experience, opinions are presented on the verbal impact of a teacher with a word.

Keywords: pedagogic tact; communicative function; live communication; professional activity; pedagogical abilities; functional tool; intonation; expressive state; cordiality; politeness.

Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш ўқитувчининг маънавий ва маданий савиясида, ўқувчилар билан мuloқотида муҳим аҳамият касб этади. Чунки инсоннинг “ақл-заковати, фикр-туйғулари, билими ва маданият савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади” (Азиз Юнусов). Сўз билан оғзаки таъсир ўтказишни амалда ўз педагогик фаолиятида қўлловчи ўқитувчи ўз ҳиссиётларини, ижодий таъсирланишини бошқариш қўнимкамларига эга бўлиши ва ўз ҳистойғуларини фақат таълим-тарбиявий мақсадни амалга ошириш учун ифодалаши ҳамда ўқувчи қалбини ноўрин сўзлар билан жароҳатлаб қўймаслиги, сўзларни аниқ ифодалашда педагогик такт нормаларидан чиқиб кетмаслиги лозим.

Олиб борилаётган тажрибалар шундан далолат берадики, коммуникатив фаолиятда муваффақиятга эришиш учун, ўқитувчининг интеграл фанлар асосларини ва ўқув –

тарбиявий ишлар методикасини чукур билиши етарли эмас. Зеро у, билим ҳамда амалий қўнишка ва малакаларини ўқувчиларга фақат бевосита жонли мулоқот асосида бера олади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг жонли мулоқоти, таълим муассасаларида педагогик фаолиятнинг муҳим шарти ва мазмуни сифатида намоён бўлади.

Инсоннинг ҳаёт тарзида энг муҳим таркибий восита бўлган мулоқот, ҳар қандай касбий фаолиятнинг барча турларида мавжуд. Бироқ бир қатор касб эгаларида (чунончи, педагог, шифокор, санъаткор ва ҳоказо) у касбий фаолиятга шунчаки ҳамроҳ бўлган оддий омил эмас, балки касбий аҳамият касб этадиган, унинг асосини ташкил этадиган муҳим категория саналади. Бу ҳолда мулоқот инсонлар ўртасидаги одатий ўзаро ҳамкорлик шакли эмас, балки касбий фаолиятнинг муваффақиятини таъминловчи категория сифатида мавжуддир. Айниқса, педагогик фаолиятда мулоқот муҳим функционал ва ўқитувчи учун касбий жиҳатдан жуда аҳамиятли восита саналиб, ўзаро таълим ва тарбиявий таъсир қуроли сифатида намоён бўладики, бунда мулоқотнинг муҳим шартларига ва қонуниятларига, вазифаларига риоя қилишга тўғри келади.

Ўқитувчининг имо-ишоралари ва юз ҳаракатлари сўз билан ўқувчиларга оғзаки таъсир қилишни кучайтиради. Юз ҳаракатлари ва имо-ишоралар нутқда овознинг паст-баландлиги билан мос келиши керак. *Огоҳлантирувчи сўзлар, нотиқлик санъати асосида таъсир этиши, вазифани ижро этишига ундовчи буйруқлар, таъқиқланган ибораларни ишлатмаслик, ўқувчининг эркин мулоҳазаларини маъқуллаш ёки ножёя ҳаракатлари учун айблаш сўзнинг оғзаки таъсир этувчи компонентлари*dir. Сўз билан имо-ишоранинг ва юз ҳаракатларининг бирлиги маълум қилинаётган ахборот ҳажмдорлиги ва таъсирчанлигини кучайтириш лозим. Ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси билан бўлғуси мулоқотга тайёргарликка доир ибратли мисол Ф.Самуйленковнинг “Мастерство, педагогический такт – это авторитет учителя” (“Ўқитувчининг маҳорати ва такти – унинг обрўсидир”) китобида келтирилади: “Мен дарсга киришга отланаётган вақтимда ўқитувчилар хонасидаёқ юзимдаги табассумни қуваман. Онгли равишда бир лаҳза тўхтаб ўзимни тўғрилаб оламан, ўзимга жисдий, деярли ифодасиз тус бераман. Ўқувчилар билан кам, жуда аниқ, кескин гаплашаман. Ҳеч қандай ҳазилга йўл қўймайман. Дарс бераётган вақтимда ўтирмайман, болалар билан расман хушмуомалада бўламан. Бундай маромни сақлаши менга осон эмас, лекин шунга ўрганганман, чунки ҳозирча бу жамоада ўзимни бошқача туттишим мумкин эмас: ўқувчилар тез таъсирланувчан бўладилар ва “қирғоқдан чиқиб кетса ва яна қайтиб оқимга тушиши қийин”. Олимнинг бу мулоҳазалари ҳозирги кунда ҳам ўз қудратини йўқотган эмас. У ўқитувчининг деярли ҳар бир ҳаракатида жиддий фикр юритишига ундейди. Дарҳақиқат, ўқитувчининг ҳар қандай ҳазили ёки бачкана қилиғи дарҳол тескари реакция бериши мумкин. Ҳатто енгил ҳазилга ҳам ўқувчилар жамоаси қизғин жавоб беради, уларнинг фикрини қайтадан “жамлаб” дикқатини жалб этиш ва иш кайфиятини яратиш ўқитувчига жуда қийин бўлиши мумкин.

Сўз билан оғзаки таъсир қилишда ўқитувчи нутқи ниҳоятда муҳтасар, равон, ва мулойим бўлиши, интонациялар ўз ўрнида ишлатилиши керак. Сўз билан оғзаки таъсир ўтказиши қудрати Шарқ халқларида азалдан маълум бўлган. Чунки, ўқитувчининг “Маъноли ва бежисирим гапира билиши, нутқ дарёсидаги мақбул ва номақбул тўлқинларни илгай олиши, сўзнинг орқа ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиши, нутқий фаҳму фаросат, таҳрли сўз одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган” деб таъкидлайди тилшунос олим Н.Махмудов.

Ҳозирги даврда ўқитувчи фаолиятида учрайдиган коммуникатив муносабатларда сўз билан оғзаки таъсир этиш ниҳоятда хилма хил бўлиб, бевосита педагогик таъсир

кўрсатишининг нисбатан мустақил кўринишини ўзида мужассамлаштиради. Билиш, англаш, экспрессив (ҳис-туйғуга берилиш), ижтимоий анъанавий мулокот, инсон ҳолатини сўзиз тушуниш, дилкашлик ўқитувчининг педагогик фаолиятида учрайдиган доимий таракорланиб турадиган коммуникатив муносабатларнинг турлари саналади.

Айниқса педагогик таъсир кўрсатиши ташкил этишда сўзниң аҳамияти билан боғлиқ бўлган педагогик муомала маданиятига ва тарбиячининг хушмуомалалигига ва ширин сўзлигига алоҳида талаблар қўйилади. Сўзлашганда одоб ва эҳтиром ўқитувчининг педагогик маҳоратида учрайдиган мухим инсоний фазилати сифатида намоён бўлади. *Хушмуомалалик – ўқитувчи ва тарбиячиларнинг синфда индивидуал иши олиб бориши жараёнида ота-оналар ҳамда ўқувчилар билан мулокотни аниқ бир тарбиявий мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил эта олиши ва таълим-тарбиявий фаолиятни тўғри бошқара билишидир.* Ўқитувчининг педагогик фаолиятида хушмуомалаликнинг ёш ўқитувчи амал қиласидаги мезонларини алоҳида таъкидлаб ўтамиш:

ЁШ ЎҚИТУВЧИ АМАЛ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ХУШМУОМАЛАЛИК МЕЗОНЛАРИ

- ўқувчиларга оғзаки таъсир қилишда ширинсуханлик ва инсонийлик туйғуларини намойиш этиш
- сўз билан оғзаки таъсир этишнинг барча босқичларида ҳиссий осойишталиктининг намоён бўлиши
- ўзаро фикр алмашишга доир сифатлар, кўникмалар ва малакаларнинг мавжудлиги
- ўқувчиларнинг таълим ва билим олишга бўлган иштиёқини кучайтириш
- мустақил фикр юритиш, ўз фикрини эркин баён эта олиш, инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантириш

I-чизма

Ўқитувчи касбий маҳоратида сўз билан оғзаки таъсир ўтказиш қобилиятини шакллантириши учун мухим аҳамиятга эга бўлган инсоний фазилат ҳамда хушмуомалаликни ўзида мужассамлаштириши зарур. Ўқитувчи педагогик фаолиятига оид шахсий ўз-ўзини тарбиялашнинг ўзаро фикр алмашиш ва алокадорликка доир қўйидаги коммуникатив қобилият тизимларини тавсия этиш мумкин:

1. Касбий педагогик фаолиятда ўз-ўзини англашни (муомалада ўзаро фикр алмашишга доир сифатларни, ижобий ва заиф томонларини аниқлашни) амалга ошириш ва шу асосда ўзаро фикр алмашиш асосида ўз-ўзини тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиши.

2. Ўз касбий фаолиятига қуйидаги йўналишларда баҳо бериш мақсадга мувофиқ: ўқувчилар билан бўлган мулоқотдан сўнг олинган таассуротларни таҳлил қилиш, мулоқотнинг сўнгги ҳолатларини ўрганиб ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиши, мулоқотдаги имкониятларини атрофдагилар (ўқитувчилар жамоаси, ота-оналар, ўқувчилар) қандай баҳолаши ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш.

3. Ўзида инсонпарварликнинг асосий хусусиятларини ривожлантириш юзасидан ихтинослаштирилган ўз-ўзига таъсир ўтказувчи “аутоген” машқлар асосида ишлаш.

4. Ўқувчилар ва ота-оналар билан турли жамоат ишларини олиб бориш, бундан ўзаро фикр алмашиб фаолиятида кўникма ва малакалар (маърузалар, сухбатлар, камолот ёшлар уюшмалари) ҳосил бўлади.

5. Ўқувчилар билан мулоқотга миллий анъана ва урф-одатларимиз, ўзбекона мумомала маданияти, миллий маънавиятимиз нуктаи назаридан ёндашиш.

6. Ўз она тилида пухта, лўнда ва жарангдор сўзлар туза олиш ва уни нутқий маҳорат билан ифодалаш таълим муассасаларида ўрганилаётган ҳар бир фан ўқитувчиси учун энг зарур коммуникатив қобилиятлардан бириди.

Таклиф этилган ушбу тизим асосида педагогик фаолият олиб бориши ўқитувчи касбига оид шахсий фазилатлардан бири бўлган инсонпарварликни ва хушмуомалаликни шакллантиради. Ўқитувчи касбий фаолияти давомида нутқидаги сўз қудратини такомиллаштириб боради. Зеро, гўзал ва таъсирчан сўзлай билиш ҳам санъат. Бу санъатдан бебаҳра бўлган ўқитувчининг касбий маҳорати шаклланмайди. Қайси фанни ўқитишидан қатъий назар, ўқитувчининг асосий қуроли сўз бойлигидир, у сўз қудрати асосида коммуникатив қобилиятини намойиш этади.

REFERENCES

1. Махмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Т.: Ўзб. Миллий кутубхонаси, 2007. – 185 б.
2. Самуиленков Ф. Мастерство, педагогический тант – это авторитет учителя. – М.: Просвещение, 1990.- 254 с.
3. Husahov B. G’ulomov V. Muomala madahiyati. Dapslik. – Т.: “Iqtisod – moliya” 2009.- 156 b.